

Илм талаб қилиш бундай бўлмайди



07:10 / 19.08.2019 1402

Бир куни Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ Фузайл ибн Иёзнинг ҳузурига кириб, «Эй Абу Али, бизга насиҳат қилинг», деди. Фузайл ибн Иёз шундай дедилар: «Эй олимлар, сизларга қандай насиҳат қиламан? Сизлар юртлар учун чироқ эдингиз, энди эса зулмат бўлиб қолдингиз. Нодонлик зулматларида йўлчи юлдуздек эдингиз, энди ўзингиз ҳам йўлингизни йўқотиб қўйдингиз. Сизлардан бир киши анави волийларнинг эшигига боради, уларнинг тўшакларида ўтиради, таомларидан ейди. Берган нарсаларини олади, кейин масжидга кириб, «Фалончи бизга ҳадис айтди, у фалончидан эшитган, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган...», дейди. Аллоҳга қасамки, илм талаб қилиш бундай бўлмайди».

Суфён Саврий йиғлаб юборди, кўзларида шашқатор ёшлар билан чиқиб кетди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан